

---

Пиротехника офат келтиради ёхуд мусулмонларни қўрқитиш ҳалол эмас!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ушбу номдаги замонавий методларни ўз ичига олган инфографика тайёрланди.

Идора ахборот хизмати маълум қилишича, инфографикада пиротехника воситаларининг моддий ва маънавий заарлари, унинг саломатликка салбий таъсири, Ислом динида инсонни қўрқитиш, зиён етказиши қаттиқ қораланиши, шундай буюмларни қонунга хилоф тарзда ишлаб чиқариш, сотиш ва тарқатиш ҳамда улардан фойдаланиш жавобгарликка сабаб бўлишига оид маълумотлар ифода қилинган.

Шунингдек, тарбия ишига мутасадди бўлганлар ва ота-оналарга муҳим тавсиялар баён этилган.

Мобил қурилмалар орқали ҳам фойдаланиш учун инфографиканинг [PDF шакли](#), мавзуга оид видеороликлар ва мазкур фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланган тегишли кодекслар моддаларининг [QR-кодлари](#) берилган.

2021-12-30 09:24:01